



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 10 июл, сешанба № 105 (1119)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2001 yil — Onalar va bolalar yili



Учқудуқ шахрида мустақиллигимизнинг 10 йиллиги байрами арафасида ишга тушириш мўлжалланаётган сутни қайта ишлаш корхонаси қурилиши поёнига етмоқда. Бунёдкорлик ишларини Навоий кон металлургия комбинатига қарашли Шимолий кон бошқармасининг қурилиш-таъмирлаш участкаси меҳнаткашлари амалга оширмоқдалар. Мазкур корхона фойдаланишга топширилгач Исроил технологияси асосида кунига 10 тонна маҳсулотдан 10 хилдаги егуликлар, шунингдек, 6 турда яхна ичимлик ва музқаймоқ тайёрлаш йўлга қўйилади.

Суратларда: пардозловчи Тўйбозор Кувонбоева; ўз касбининг усталари Роза Мударрисова ва Икбол Шабдировалар.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

БАХТИ КУЛГАН КИШИЛАР

Бобур номли хўжаликда 322 нафар фахрий ички пенсия ола бошлади

Худудда 5та мактаб, 1та лицей, 1та махсус вилоят кўзи ожизлар мактаби, 8та халқ таълими ва хўжаликка қарашли боғча, 22та дала шийпони, кўлаб маданий-маиший шохобчалар мавжуд. Мана, ўн йилдирки, барча соҳаларда режа бажарилмаган йил йўқ, хўжалик иқтисоди йилдан-йилга юксалиб бормоқда, рентабеллик даражаси ошяпти.

Мустақиллик йилларида худудда 3 километри газ қувури ётказилди, аҳоли 100 фоиз тоза ичимлик суви билан таъминланди, 16 километр масофада ариқ-зорвурлар қазилди, ерлар мелiorатив ҳолати яхшиланди. Яхши ният билан «Болалик» маҳалласида 3 гектар ерда теракзор барпо этилди. 834 ўринли мактаб биноси, амбулатория қурилди, аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида бозор ишга туширилди. 4 гузар очилди, аҳоли учун шарқона услубда ўндан ортиқ савдо ва маиший хизмат шохобчалари ташкил этилди. Хўжалик аъзоларига далада барча зарур шaroитлар яратилди. Иш ҳақи ва нафақалар ўз вақтида бериладиган бўлди. Иқтисодий ислохотлар натижаси ўларoқ галладан қутилганидан ҳам ортиқ ҳосил олинди. Кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож oilалар, уруш ногиронлари ижтимоий химояга олиниб, бутунлай хўжалик оталигига ўтди.

Биргина ўтган йил якунларига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил кўтарилди, режа 123 фоизга бажарилди. Энг асосийси, топширилган пахтанинг 111 фоизи юқори навларга сотилди, бу эса ширкат аъзолари учун жараж-жараж пул демакдир. Эришилган бундай муваффақиятнинг асосий омилли энг аввало меҳнаткашларнинг юксак кўтаринки меҳнати шарофати, қолaversа, ўзига ҳок мактаб-пленка остига чигит экишнинг иқтисодий самарасидир.

Бурноги йилга нисбатан 400 тонна кўп ёки салкам минг тонна дон тарқатилди. 322 нафар фахрий ички пенсия билан таъминланди. Энг муҳими, ширкат аъзолари учун дала

си, Сизлар ҳам бир марта деҳқонга яратилган шароитни кўринглар. Орзум - бизда ҳам кўлаб шундай гўшалар барпо этиш...». Ҳа, бундай илик фикрлар асақиликлари ҳам янги сафарларга чорлайди. Мавжуд 22 та дала шийпонлари ўртасида касабга уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда кўрик-танлов давом этмоқда. Бу йил шарт ўзгача, яъни голибларга ўринлар бўйича ўтган йилга нисбатан 5 тонна кўп дон бериш мўлжалланган. Бундай жайрли ташаббус туманининг барча хўжалиқларига кенг тарқалган.

«Оналар ва болалар йили»да ҳам кўп ишлар бошлаб юборилган ва улар мустақиллигининг 10 йиллиги байрамига тўёна сифатида тўхта қилинади. «Болалик» маҳалласида қурилаётган ҳаммом, Янгиобод маҳалласида қурилиши давом этаётган 120 ўринли йўлдош мактаб биноси, биологатория ҳамда 3 гектар майдондаги теракзорда барпо этилган барча қўлайликларга эга бўлган истироҳат боғи шулар жумласига кирди. Бу йил ҳам «Наврўз» умумхалқ байрами арафасида яна кам таъминланган oilа аъзоларининг тўйи хўжалик ҳисобидан ўтказиб берилди. 120 нафар деҳқон фарзандлари ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида бепул дам олмақдалар. Мазкур тадбирларнинг барчаси касабга уюшмаси билан бамаслаҳат, ҳамкорликда олиб бориляпти. Бу ерда ижтимоий масалалар билан бир қаторда тадбиркорликка ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, ширкат хўжалиги қошида «Довуд» шўъба корхонаси ташкил этилди. Ушбу корхона томонидан лизинг асосида Германиядан «Класс» комбайни олиб келинди.

Ғишт, оҳак цехлари барпо этилган бўлиб, тайёр маҳсулотлар арзон нархларда хўжалик аъзоларига берилмоқда. 4 та фермер хўжалигида етиштирилган нозненьматлар озиқ-овқат маҳсулотлари масаласини ҳал этишда асосий омил бўлмоқда. Бундан ташқари, 50 ўринли тикувчилик, атлас тўқич кичик корхоналари ишлаб турибди. Кишлоққа sanoатнинг кириб келиши аҳолини қўшмача иш ўринлари билан таъминлашда жуда кўп келаётир.

И. ЖАЛИЛОВ, журналист.
Х. АҲМЕДОВ, туман Агрoсanoат мажмуи ходимлари касабга уюшма кўмитаси раиси.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Марказий кўмитаси педагогларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини муҳофазалаш ҳамда ёш авлодни истиқболга садоқат руҳида тарбиялашда касабга уюшмаларининг вазифалари мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди.

Анжуман гоятда жонли ўтди. Сўзга чиққанлар ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этдилар. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов Конституциямиз ҳақида гапириб, унда халқ, давлат манфаатлари ҳамда барча қадриятлар ўз ифодасини топганлигини ҳаётий мисоллар орқали баён этди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсатда, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада юз берган ўзгаришлар касабга уюшмалари фаолиятида ҳам яққол кўринди. Эндиликда у мустақил, мустақкам жамоат ташкилотига айланди.

Эътиборлиси, мазкур тармоқ Марказий кўмитаси ҳам ўз аъзоларини ҳар томонлама химоялаш мақсадида янгича ёндошуш йўллари устида изланишлар олиб борди. Давлат идоралари, иш берувчилар билан муносабатларни йўлга қўйишда халқаро касабга уюшмалари тажрибасидан фойдаланилди.

Ҳозирги пайтда Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмалари таркибида 212та туман ва шаҳар кўмитаси, 39та олий ўқув юрди, 355та ўрта махсус касб-хунар коллежлари, лицейлари бўлиб уларда 16585та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Аъзолари сони эса 1 миллион 276 минг 900 нафардан ошди. Бошланғич ташкилотлар ва аъзолар сафи ҳар йили янги ишга туширилаётган билим масканлари ҳисобига кенгаймоқда. 115та муассасада эса асосий ишдан озод этилган етакчилар иш олиб боришяпти.

— Фаолиятимизни

Ислохот, изланиш ва самара

вақтида тўланишини таъминлаш, ногиронларга мунтазам ёрдам бериш, янги иш ўринлари яратиш масалалари ҳам тармоқ ходимларининг доимий вазифасидир.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида етук мутахассислар тайёрлаш, уларни ишга жойлаштириш, бандлик хизмати механизмини яратиш биринчи қаторда вазифадир. Шу нуқтаи назардан мутахассисликларга бўлган талаб ва эҳтиёж чуқур ўрганилиб борилаётир.

Инсон саломатлигини мустақкамлаш мақсадида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга биноан, ўтган йили вазирилик тасарруфидаги 20 та санаторий-профилакторийда 11538 нафар киши саломатлигини яхшилади. Шулардан 9200 нафардан зиёди ўқувчи ҳамда талаба ёшлардир.

— Йигирма учта спорт-соғломлаштириш масканларида 2001 йил ёз мавсумида 8280 нафар киши ҳордиқ чиқариш режалаштирилган, — деди ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фуломов. — Бари бекум кўст таъмирланди ва хижозланди. Профессор-ўқитувчилар ва ходимлар кўнгилли дам олишлари ўқув юртли маъмурияти ва касабга уюшма кўмиталарининг назоратида олинган.

Жумладан, «Лочин» болалар оромгоҳида ҳар босқичда 350 нафар ўғил-қиз дам олиб, саломатликларини мустақкамлаётир.

Яна бир ибратли тадбир хусусида ҳам тўхтаиб жоиз, касабга уюшмаси тармоқ Марказий кўмитасида оналар ва болалар йили муносабати билан жамоатчи, иқтидорли ва кам таъминланган талабаларга махсус стипендиялар бериш ҳақида Низом ишлаб чиқилди. У бир минимал иш ҳақи микдориде белгиланди. Марказий кўмита тақлифи билан олий ўқув юртли талабаларининг 35 нафарига 2001-2002 ўқув йилидан шундай стипендиялар беришга келишилди.

(Давоми 3-бетда).

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МУСТАҚКАМ ТАЯНЧ



Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазириликлари ва Касб-хунар таълими маркази билан тузилган битимлар асосида ташкил этганмиз, — дейди Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Марказий кўмитаси раиси З.Кодиров. — Ўтган даврда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар миқёсида 31та, туман ва шаҳарлар бўйича 214та битим имзоланди. 11068 та бошланғич ташкилотда эса жамоа шартномалари тузилди.

Ушбу битим ва жамоа шартномаларини тайёрлашда касабга уюшма аъзоларини ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий химоялаш, дам олишлари, соғлиқларини мустақкамлаш, спорт, маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида аҳамият берилди. Шунингдек, ёш болалар, кўп фарзандли оналарга зарур шарт-шaroитлар яратиш, нафақаларини

мий эътиборида бўлмоқда. Масалан, Олий ва ўрта махсус таълим вазириликда 2000-2001 ўқув йилида олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчи ва ходимлари 35,5 миллион сўм, талабалар 42,9 миллион сўм моддий ёрдам олди. Бундан ташқари, 13 миллион 900 минг сўмлик моддий ёрдамнинг бошқа турлари кўрсатилди. 8 миллион 589 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва sanoат моллари, 356 минг сўмлик дори-дармон тарқатилди. Транспорт воситаларидан фойдаланиш учун 4 миллион 954 минг сўм сарфланди. Ёшлар яхши билим олишлари, спорт билан шуғулланишлари учун ҳамма шароит яратилган. Ногирон ва етим талабалар, кам таъминланганларга мунтазам мурувват кўрсатиляпти. Олий таълим муассасалари ошхоналарида тайёрланаётган таомлар нархи бир мунча арзонлаштирилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Нефть ва газ sanoатиде фойдаланиладиган карбоксиметилцеллюлоза ишлаб чиқарувчи Марказий Осиеда ягона корхона - Намангандаги «Карбонам» акционерлик жамияти бугунги кунда қайта туғилмоқда. Бу ерда жисмонан ва маънан эскирган ускуналарни олиб ташлаш ишлари бошланди.

Ишлаб чиқариш иншоотларини таъмирлаш билан бир вақтда 12 километрик каналлация тармоғи, тозалаш иншоотларини қуриш ишлари бошланади. Бу корхонани тўлиқ қайта таъмирлаш ишларининг тайёрлов қисми холос. Бу ерда пахта линтидан sanoат йўли билан целлюлоза олиш йўлга қўйилади. У истеъмолчилар орасида катта талабга эга карбоксиметилцеллюлозанинг асосий таркибий қисмидир.

Янги ишлаб чиқаришга Франциянинг «СНПФ Инжинири Дефанс» компаниялар гуруҳи 22 миллион АҚШ долларини йўналтириш ниятида. Кредит имтиёзли шартлар билан ажратилмоқда, унинг учун тайёр маҳсулот билан ҳисоб-китоб қилинади. Франциялик ҳамкорлар янги технологик ускуналарни олиб келиш, ўрнатиш ва ишлаб беришни ўз зиммасига олган. Целлюлозанинг биринчи партияси ҳам франциялик мутахассислар назорати остида ишлаб чиқарилади.

Кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг бир қисми Европа ва Осиедаги турдош корхоналарда ўқитилади. Корхона ишга тушгач, яна 160 та янги иш ўрни яратилади.

Икки ярим йилдан сўнг «Карбонам» акционерлик жамияти тўлиқ қувват билан ишлаши ва йилга 15 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқариши керак. Бугунги кунда бундай хомашёнинг катта қисми мамлакатимизга хориждан келтирилмоқда.

(ЎзА).

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

Бошинга бир иш тушмасин экан, Айниска тўшака михланиб қўлтиктаёкка муҳтож бўлиб колганинда кимнинг канақалиги билинар экан. Мана шундай вақтда киши кимларданир наҳот кутадди. Оғиримни енгил қилармикан дея дўстларининг, ҳамкасбларининг йўлига кўз тикади.

НОГИРОН МУШКУЛИ ОСОН БЎЛДИ УНИНГ ҚАРИЙБ 292 МИНГ СЎМИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Фалокат оёқ остида деганларидек, бахтсиз ҳодиса туфайли Тошкентдаги 2-ўй-жой қурилиш комбинатининг ишчиси А.Мавлонов ишлаб чиқариш жараёнида тан жароҳати олди-ю, ўз бошидан мана шундай ўйларни кечирди. У Тошкент шаҳар 1-сонли тиббиёт медицина экспертиза комиссиясининг ҳулосасига кўра II гуруҳ ногиронлигига чиқарилди ва ишлаш қобилиятини 80%фоиз йўқотган, деб тан олинди.

Маълумки, Республика Вазирилр Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган қондаларга асосан корхона маъмурияти жабрланувчига етказилган зарарни тўлашдан ташқари, яна бир йиллик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа билан таъминлаш ҳам лозим эди. Афсуски, юқоридеги ташкилот мутасадди ходимлари бу ҳақда жабрланувчига лом-мим демасдан, ҳар ойдаги керак бўлган зараринингина тўлаб боришган, холос. Ёпиғлик қозон, ёпиғликча қолади, деб ўйлаган бўлишса керак-да.

Лекин А.Мавлонов ўз ҳақ-ҳуқуқини биладиган ва уни химоя қила оладиганлардан экан. У жорий йил бошида касабга уюшма ташкилотига муружаат этди. Бу иш билан республика қурилиш ва қурилиш ашёлари ходимлари касабга уюшмаси Марказий кўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар касабга уюшмалари кенгашининг қўриши, биз учун олий бахтдир.

Неъмат РАФИҚОВ.

Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: 1923 йилда Сирдарё туманининг «Малик» ширкатлар уюшмаси 4-ҳамза бўлимида таваллуд топганман. Шу вақтгача туғилган йилим ва жойимни тасдиқловчи ҳужжат олмабман. Ҳозирда 2750 сўм пенсия оламан. Иш стажимни тасдиқловчи ҳужжат ҳам йўқ. Бу ҳужжатларни олиш учун қаерга ва кимларга мурожаат қилишим керак? Шу ҳақда тушунтириш берсангиз.

Норбуви ЭРНАЗАРОВА, Сирдарё тумани.

САВОЛ: Онам Назира Атажанова 29 йил кинемеханик бўлиб ишлаб 2001 йилдан 5 фарзанди бўлганлиги сабабли 50 ёшида пенсияга чиқди. Билсак, онам ишлаган идора раҳбарлари ходимларнинг ойлик маошлари ёзилган китобни йўқотишган экан. Шунингдек, архивга ҳам мазкур идорадан 29 йилдан буюн бирон бир ҳужжат топширилмаган. Ижтимоий таъминот бўлимидагилар онамнинг меҳнат дафтарчасидаги меҳнат стажи асосида 5165 сўм пенсия белгилаб беришди. Онамга берилётган пенсия миқдорини ошириш учун энди қаерга мурожаат қилсак бўлади?

Гулора КЎСАЕВА, Урганч шаҳри.

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) томонидан ҳам қайд этилиши мумкин.

Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий ишлаш жойидаги ФХДЭ органларидан амалга оширилиши лозим.

Далолатнома ёзувининг иккала нусхаси ҳам йўқолган ҳолларда далолатнома ёзувини тиклаш учун 16 ёшгача бўлган фуқаро ёзма ариза билан яшаш жойидаги ФХДЭ органига мурожаат қилиб, унга куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- далолатнома ёзувини тиклаш тўғрисида белгиланган шаклдаги ариза;
- шаҳар (Тошкент), вилоят, республика (Қорақалпоғистон)

тўғридан-тўғри судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Энди меҳнат стажини белгилаш масаласига келсак, бу ҳақда Меҳнат кодексининг 81-моддасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган «Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низоми»га мурожаат қилишга тўғри келади.

Бу қонун ва норматив ҳужжатларга мувофиқ ҳар бир шахснинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат меҳнат дафтарчаси ҳисобланади. Меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар ёзилади.

Пенсия тайинлашда ва уни қайта қўриб чиқишда мавжуд иш стажи тўғрисидаги маълумотлар бўлмаган ва корхона, муассаса, ташкилот тўлиқ тугатилганлиги тўғрисидаги ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, ҳалокатлар ва бошқа фақулдода вазиятлар муносабати билан архивдан иш стажини тасдиқловчи маълумот олишининг имконияти йўқ бўлган ҳолларда меҳнат стажи ариза берувчини бир тизимда бирга ишлаган ҳамда улар ариза берувчининг ишини тасдиқловчи давр учун ўз ишлари тўғрисидаги ҳужжатларга эга бўлган камида икки гувоҳнинг кўрсатмалари асосида белгиланади.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари бўйича белгиланган меҳнат стажи бундай ҳолларда пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган стажнинг ярмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, пенсия тайинлашда иш ҳақини гувоҳлар кўрсатмаси асосида белгилашга асло йўл қўйилмайди. Лавозим маошлари штат жаadwalдан кўчирмалар ва жамоат ташкилотлари аъзолик билетлари ҳақиқий иш ҳақини тасдиқлайдиган ҳужжат ўрнини босаолмайди.

Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар бутунлай ёки қисман йўқ бўлиб архивга ҳам топширилмаган бўлса, уни ҳисоб-китоб қилиш учун пенсияни тайинлаш кунда расман белги-ланган энг кам иш ҳақи миқдори олинади. Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ходим ишлаган муассасада йўқ бўлган ҳолда, архивга ҳам топширилмаганлиги учун пенсия тайинлашни сўраб ариза ёзган шахс ўша муассасанинг юқори ташкилотларига қонун талабларини бажармаган шахсларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллашни сўраб мурожаат қилиши керак.

Бу тушунтиришлар барча фуқароларга, ФХДЭ органлари, корхона, муассаса ва жамоа ҳўжалиқларининг раҳбар ҳамда мутасадди ходимларига ҳам тааллуқли бўлиб, улар қонун ҳужжатлари талабларини ўз вақтида бажаришлари шарт. Ушандагина фуқароларнинг овозгарчиликларига чек қўйилади.

Ислоҳот, изланиш ва самара ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

(Боши 1-бетда)

Йиғилишда халқ таълими тизимида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам сўз борди. Дарҳақиқат, ёш авлоднинг етук бўлишида, истиқлолга эътиқод руҳида тарбияла-нишида мактабгача тарбия ва зиё мақсадларининг ўрни беқийсдир. Мустақиллигимизнинг дастлабки пайтлариданоқ ўқитувчиларга катта ғам-хўрликлар кўрсатила бошланди. 119 минг нафарга яқин педагог давлат уйлари, қарийб 24,5 минг нафари эса ташкилотлар тасарруфидоги хонадонларни хусусийлаштириб олдилар. Салкам 47 минг нафар муаллимга уй қуриш учун ер майдонлари ажратилганини республика халқ таълими вазири ўринбосари У.Мусаев эътироф этди.

Ўқувчи ёшларни билим олишга қизиқтириш мақсадида турли тадбирлар ҳам уюштирилди. Фолиблар тақдирланмоқда. Масалан, инглиз, француз, немис тиллари бўйича республика олимпиадаси ғолиби бўлганлар Самарқанд чет тиллари институти қошида ташкил этилган ёзи оромгоҳда ҳордиқ чиқардилар. Бунинг учун Марказий қўма 336 минг сўм сарфлади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож кам даромадли педагоглар фарзандларини дарслиқлар билан таъминлаш йўлга қўйилди. Бу тадбирларга ташкилотлар, корхоналар ва тадбиркорлар ҳомийлик қилишмоқда. Биргина Сурхондарё вилоятида 674 900 сўмлик дарслиқлар, 715 нафар кўп болали аёлга 1,5 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш зарур, ижтимоий шерикчилик тамойилларини ривожлантиришда камчиликлар ва муаммолар ҳам мавжуд. Ходимларни ижтимоий ҳимоялашда жамоа шартномалари ва битимлар бандларига тўлиқ риоя қилинмаяпти. Давлат идоралари, иш берувчилар ва касаб уюшмалари муносабатлари тизими баъзи жойларда шакллани-

маган. Шу боис, меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича уч томонлама орган ташкил этишга зарурат сезилмоқда.

Тўғри, ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Бунга яқинда Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазири-лиги, республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан «Касб-хунар таълимида ижтимоий шерикчилик тўғрисидаги Низоми»нинг тасдиқланганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Иккинчи муаммо шундаки, ходимларни ишга қабул

халқ таълими бошқармалари бошлиқлари билан биргаликда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Конференцияда, шунингдек, Таълим ва фан ходимлари касаб уюшма қўмиталари эзгу мақсадларни рўйга чиқаришлари учун яна бир қанча юмушларни бажариш лозимлиги айтилди. Хўш, улар нималардан иборат? Аввало, касаб уюшма қўмиталари ўз фаолиятини жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар билан барабар боғлаб олиб бориши давр тақозосидир. Кейин, ҳар бир бошланғич ташкилот замонавий техника воситалари билан таъминлаши лозим. Соҳа етак-



қилиш, иш шароитлари яратиш, ишдан бўшашишда меҳнат қончилиги бўзилаётган ҳоллар ҳам учирапти. Натيجида касаб уюшма қўмиталарига тўшаётган аризалар камаяпти. Урганчилар шуни кўрсатмоқдаки, қонун талаблари бўзилишининг асосий сабабларидан бири нафақат айрим меҳнаткашлар, балки иш берувчи раҳбарлар ҳуқуқий билимининг етарли эмаслигидир.

Ҳа, ютуқлар кўп. Буни тан олиш даркор. Лекин баъзи мулоҳазаларни ҳам ошқорла айтиш керак. Биринчи навбатда республика миқмасанлари кутубхоналари фондини бойитиш, маданият саройлари, клублар фаолиятини жонлантириш лозим. Бу ишлар тармоқ қўмитасига ҳамкор вазирликлар, олий ўқув юртлари раҳбарлари,

чилигига ёш, ғайратли, билимдон, янгича фикрлайдиган, истиқлол-ғоялари билан дунёқараши шаклланган кишиларни, айниқса аёлларни жалб этиш, шу билан бирга доимий ўқувларни ташкил этиш ҳам муваффақият омилдир.

Республика касаб уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Э.Ўқубовнинг Ўзбекистонда ижтимоий шерикчиликни муваффақиятли ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилганига алоҳида тўхталиб, уларни тавсифлаб бериши қатнашчиларда қизиқиш уйғотди.

Йиғилишдан сўнг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Таълим ва фан ходимларини ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари», «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими тизими ходимларини, ўқитувчиларни ва талабаларни ижтимоий ҳимоялашдаги долзарб масалалар», «Ёшларни Миллий истиқлол мафқураси ва юксак маънавият руҳида тарбиялашда касаб уюшма ташкилотларининг ўрни» шўбеларининг мажлиси бўлди. Анжуман сўнггида илмий-амалий конференция тавсиялари қабул қилинди.

Равшан АБДУЛХАЕВ, Шавкат АБДУЛЛАЕВ, «Ишонч» мухбири.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

НИСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

ОЛИЙ БАХТ

ЖАВОБ: ёшингиз саксонга яқинлашиб қолган бўлса-да, туғилганлиг тўғрисида гувоҳнома, паспорт олмаган экансиз. Бундан ташқари, пенсия тайинлаш вақтида ижтимоий-таъминот бўлими томонидан Сиздан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинган бўлиши керак. Хатингиздан бу саволларга жавоб топиб бўлмади.

Шундай экан, бу ҳужжатларни қайта тиклаш учун нималар қилиш ҳамда кимларга мурожаат қилиш кераклиги тўғрисида тушунтириш берамиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-моддасига асосан куйидаги фуқаролик ҳолати ҳужжатлари давлат томонидан қайд этилади:

- 1) туғилиш;
 - 2) никоҳдан ўтиш;
 - 3) никоҳни бекор қилиш;
 - 4) фарзандликка олиш;
 - 5) оталикни белгилаш;
 - 6) исмини ўзгартириш;
 - 7) фуқаронинг вафот этиши.
- Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини тиклаш деғанда илгари шундай ёзув бўлганлигини тасдиқловчи етарли асослар бўлганда, уларни қайта тиклаб қўйиш тушунилади.

Туғилиш, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш тўғрисидаги далолатномалар ёзувлари бу ёзувлар кимга нисбатан тузилган бўлса, фақат ана шу шахсларнинг аризасига асосан тикланади.

Ёки ўн олти ёшгача бўлган боланинг туғилиши ҳақидаги ёзув йўқолган бўлса, у боланинг ота-онаси, васийси, ҳомийси, болалар муассасаси маъмуриятининг ёзма аризасига биноан тикланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари ариза берувчининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими (ФХДЭ) да тикланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг Оила

кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида» 1998 йил 30 апрелдаги қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қойдаларини» тасдиқлади.

Бу қоидага асосан Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қойдаларига ФХДЭ органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги йўриқномага ва ФХДЭ органлари фаолиятига тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

ФХДЭ органларининг фаолиятига умумий раҳбарлик Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар ҳисобланиб, у икки нусхада тузилади ва ФХДЭ органларида қайд этилган вақтдан бошлаб 75 йил мобайнида сақланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш туман ва шаҳарларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлиmlари томонидан амалга оширилади, туғилиш, никоҳ тузиш, ундан ажралиш, оталикни белгилаш эса шаҳарча, қишлоқ ва овулларда

ФХДЭ архивининг ариза берувчининг туғилган жойи бўйича далолатнома ёзувининг йўқлиги ҳақидаги маълумотномаси;

- ота-онасининг паспортлари нусхалари;

- агар ота-онаси вафот этган бўлса, уларнинг ўлими ҳақидаги далолатномалар ёзувларининг нусхалари;

- никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома (ота-онасининг ва ўзининг) ёзуви нусхаси;

- ота-оналарининг ҳужжатлари бўлмаганда, ака-укалари, опа-сингилларининг туғилганлиг тўғрисидаги далолатнома ёзувлари нусхалари;

- аризачининг илтимосини асословчи бошқа ҳужжатлар. Агар тақдим этилган ҳужжатларда ариза берувчининг фақат туғилган йили кўрсатилиб, туғилган кун ва ойи кўрсатилмаган бўлса, унинг туғилган санаси ўша йилнинг 1 июли деб ҳисобланади.

Тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ўрганиб чиқилгандан кейингина ФХДЭ органи бошлиги томонидан хулоса тузилади ва шу асосда туғилганлик ҳақидаги тикланган далолатнома ёзуви қайд этилади ва аризагача туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилади.

Агар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш рад қилинса, норози бўлган ариза берувчи бу масала бўйича фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишнинг юқори турувчи органига ёки

«МАШҲУР»НИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Фирибгарлик қилиб, фуқароларга катта миқдорда моддий ва маънавий зиён етказган кимсалар қисмати

розиман.

— Мана бу имзои нусха, буниси эса паспортим ва муҳр. Истаган жойда эркин ҳаракат қилиб, менинг номимдан иш кўраверасан. Фақат юз ўлчаб, бир кесижга тўғри келади.

Шу тариха икки найрангбоз фаолиятни бошлаб юборишди. Уйлаб кўришса, енгил машинанинг бозори чаққон. Айниқса, янгиси бўлса, «учиб» кетади. Толиб Мирзаолимов Миркомилга қатъий ўқтирди: «Асакабанк»нинг вилоят бўлимидан деҳқон-фермер ҳўжалигимиз ҳисоб рақамига қандай қилиб бўлмасин, 20 миллион сўмга яқин кредит олиш керак. Каллани ишлаб, барча хунарингни ишга сол.

Миркомил анча ўйла-ниб, тез орада ташкир-ни аъло даражада ба-жарди. «Асакабанк» вилоят бўлимининг ўша вақтдаги бошқаруви раиси А.Абдурахимов ва «Машхур» фирмаси раҳбари Т.Мирзаолимов ўртасида тузилиб, имзоланган кредит шартномасига мувофиқ фермер ҳўжалиги ҳисобига 16 миллион 800 минг сўм келиб тушди. Кўп ўтмай, бу маблағ фирманинг ўз иктиёридаги пулларига қўшилиб, «Ўз ДЭУ авто»корхонаси ҳисобига ўтказилди. Қарабсизки, қўшма корхонадан «Машхур» томонидан «Тико» ва «Нексия»лар кела бошлади. Фермер ва унинг гумаштаси машиналарнинг бир қисмини ижарачиларга, бир қисмини эса очиқ савдога қўйиб, пулладилар. Турган гапки, даромаднинг асосий қисми учарлар киссасидан жой

олди.

— Мен ўша вақтда қўшма корхонадан жами 76 та автомашина олган эдим, - деб кўргазма берди менинг афсус-надо-мат ила М.Қурбонов. - Лекин улардан кўпчилигини фермер ҳўжалигимизга кирим қилмагандик. Шунинг учун автокорхонадан катта миқдорда қарздор бўлиб қолдик...

Т.Мирзаолимов ва М.Раҳмоновлар кўрилган катта фойдадан ўзларини йўқота ёзишди. Ана энди улардан бахтли одам йўқ. Қўлларини қўйишга эришди. Бирок хом сут эмган банда ўзидан кетганида, боши деворга урилган дагина кўзи мошдек очилди. Икки фирибгар ҳам шу кўйга тушишди. Улар орадан анчайин вақтни ўтказиб юрган эдилар. Бирдан «Асакабанк» ви-

лоят бўлими кредит муддати туганганини, қарз ўз вақтида тўланмаса, болаёлай бошлашини маълум қилди. Қарангки, бунинг орқасидан автокорхонадан ҳам хат олинди: «Биздан 24 миллион сўм қарздорсиз. Тезда қайтаришни талаб қила-миз».

Икки учар нима қилишларини билмай қолишди. Урганган, дегнгл ўртанса қўймас, қўнганларидек, яна кимларнидир чув тушириш режасини тузишди. Шундай кунларнинг бирида «Анда-жон» хусусий фирмаси раҳбари М.Дадахўжаев уларга рўбарў келиб қолди. Фирибгарлар ишга кири-шишди.

— Компьютер олди-сотдиси билан шуғулла-нишга қалайсиз?

«Ишонч» фаш этади

Куруқ қолмай десангиз, дарров бизнинг ҳисобга пул ўтказинг. Бир ҳафтада фирмангизни компьютерга тўлдириб ташлаймиз.

Омад келса, ҳеч гап эмас экан, ўша кунийк «Анда-жон»дан «Машхур»га 10 миллион сўм пул ўтди. Олғирлар бу пулни қарз ўрнига «Асакабанк»га ўтказиб, бироз енгил тортилар. Сўнг, яна соддадил, уйдирмога гапларга паққа тушадиган кишиларни ахтаришди. Шу тариха «Чўлпон» агрофир-маси, «МАСК» қўшма корхонаси, вилоят халқ банк раҳбарини ҳам бармоқ тишлаб қўйишди. Фирибгарлик, ҳужжатларни қалбақлаштириш, бировнинг дўпписини бо-шқага кийгизиш йўли билан қисқа вақт ичида 43 миллион 800 минг сўм пулни талон-тарож қилишга эришдилар. Кўйиб берилса, бу нопок кимсалар яна қанчадан-қанча кишиларни чув туширишарди. Бирок бу-зоқнинг югургани сомон-

хонагача, деганларидек, жинойи иш фаш этилди. Икки найрангбоз охи-роқибат суд қора курсисидан жой олдилар. Суд улардан ҳар бир жинойи иш учун жавоб талаб қил-ди ва муносиб жазо бел-гилади. Бундан уларга хайбаракаллачилик қил-ган кишилар ҳам бенасиб қолишмади.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: баъзи фирмалар, корхоналар, банкларнинг раҳбарлари ўз хизматини таклиф қилётган кимсаларнинг қимлиги, иқтисодий аҳо-лини чуқур ўрганмай ту-риб, ҳисоб рақамига кат-та маблағни ўтказиб юбораверилларини қан-дай тушуна бўлади? Бун-дай эгриқўл кимсалар одамларга фақат ташвиш келтиради, улар шумги-ялар, тараққиётимиз йўлидаги ғовлардир. Буни асло унутмаслиги-миз лозим.

Б.ОЛИМЖОНОВ, катта терговчи, М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Бозор шароити ҳар кимга ўз қобилияти, имко-ниятини кенг намойиш этишга шароит яратди. Омилкор, ишбилармон, ташаббускор кишилар ҳайрли ишларга бел боғлаб, ўзларига ҳам, дав-латга ҳам катта наф келтиришмоқда. Бирок шун-дай кимсалар ҳам борки, улар бировнинг дўппи-сини иккинчисига қийғазиб, кўзбўямачилик қилиб, пулга тузоқ қўядилар. Чиркин максалларига эри-шиш йўлида инсофу дённатни унутадилар.

Толиб Мирзаолимов ва Миркомил Раҳмоновлар шундайлар тоифасидан. Т.Мирзаолимовнинг уста-корлигини таърифлашга сўз ожизлик қилади. У ўзи раҳбар бўлган Анди-жон шаҳридаги «Машхур» фирмасининг бойиб ке-тишини орау қилади. Бирок ҳақиқий тадбиркор-га хос йўл билан эмас, балки бировлар топган бойликка қонунга хилоф иш тутиш йўли билан эришмоқни дилига жо қилади. Устаси фаранг ўзини омади юришган, фирмаси кун сайин бой-иб бораётган қилиб кўрсатади. Уйлаган режа-сини амалга ошириш учун ўзига ўхшаган учар, сувдан куруқ чиқадиган, одамларни аврашга уста-си фаранг «тадбиркор» зарур эди. Шундай ҳамроҳ топилди ҳам. У

ўшиқ таниши Миркомил Раҳмонов эди. Пулни ҳа-дан ташқари севадиган, гапга чечан, бир қараш-да устозининг мақсадини ўқиб оладиган бу кимса-нинг Толибга ёқиб туш-ган яна бир хусусияти — фирмасининг бойиб ке-тишини орау қилади. Бирок ҳақиқий тадбиркор-га хос йўл билан эмас, балки бировлар топган бойликка қонунга хилоф иш тутиш йўли билан эришмоқни дилига жо қилади. Устаси фаранг ўзини омади юришган, фирмаси кун сайин бой-иб бораётган қилиб кўрсатади. Уйлаган режа-сини амалга ошириш учун ўзига ўхшаган учар, сувдан куруқ чиқадиган, одамларни аврашга уста-си фаранг «тадбиркор» зарур эди. Шундай ҳамроҳ топилди ҳам. У

— Фермер ҳўжалигим-да ишлашга тобинг қалай, - сўради мавриди-ни топиб Толиб.

— Сиз нима десангиз, шу. Фақат муллажиринг-ги тузоқроқ бўлса бас.

— Бўғидан хотиржам бўл. Ҳужжатларингни расмийлаштириб ўтир-масмиш. Лекин пичоғинг ҳаммиша мой устида бўла-ди. Вазифанг менга ке-ракки ташкилот бошлиқ-ларини изиммга солиб берсанг, бўлгани.

— Бу бизга чўт эмас,

ТУРНАБУЛОҚНИНГ ҚАЙНОҚ ҲАЁТИ

— Дадаси, болаларимизни дам олдириш учун корхона касабга уюшма кўмитаси раисига учрашаман, деб эдингиз. Йўлланма олдингизми? — Таътилда улар ёнимизда бўлгани маълуми, дедим-да, онаси.

— Яққабобдаги оромгоҳни мақташяпти-ку... «Шўртан» унитар шўба корхонаси касабга уюшма кўмитаси раиси Шокир Йўлдошев корхона ишчиси Фарход ақанинг сўзини ерда қолдирмади, ўгли Султонмурод учун Яққабоб туманидаги Аҳад Азизқориев номли оромгоҳга йўлланма берди.

Дарвоқе, Ишкент қишлоғида жойлашган мазкур оромгоҳда мавсумда 450 нафар бола ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Бунинг учун барча шарт-шароитлар етарли. Хусусан, Турнабулоқ дарёсининг оромбахш ҳавоси табиатни мўътадил-

лаштириб туради. Оромгоҳ раҳбари Асадулла Аъзамов ҳамроҳлигида соҳил бўйлаб ястанган соя-салқин, икки томони анвойи гуллар билан ўралган йўлакчадан борарканмиз, беихтиёр шўх-шодон болаларга ҳавасимиз келди.

Тўққиз гектар майдонни эгаллаган оромгоҳда саранжом-сарийшталлик, Кенг ва шинам хоналардаги ўриндиқлар дид билан жиҳозланган. Махсус идишларда усти доқа билан ёпилган яхна чой. Чўмилиш ҳаваси, спорт майдончаси болалар ихтиёрида. Дам олувчилар айниқса бош ошпаз Тўлаған Раҳимов тайёрлаган мазали таомлар хуш ёқаётганини сўзлаб беришди. Шуниси диққатга сазоворки, оромгоҳда иссиқ нон чеҳи ишлаб турибди. Бош етакчи Толмас Мирзаев болаларга аниқ дастур асосида машғулотлар ўтказмоқда. Тўғараклар мунтазам иш-



лаб турибди, кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси, аттракцион ўйинлар хонасида болалар вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар.

Жисмоний тарбия ва спорт ишлари йўриқчиси Нурбек Мирзаев билан шифокор Ботир Хайитовнинг эса мақсадлари битта — болаларни соғломлаштириш ва улар бу вазифани аъло даражада амалга оширишмоқда.

— Бу йилги мавсум учун оталик ташкилотимиз 30 миллион сўмлик таъмир-

лаш ишларини амалга оширди, - дейди оромгоҳ раҳбари. - Маъмурият вакиллари, касабга уюшмаси вилоят кўмитасидан келиб, болалар ҳолидан хабар олиб туришибди. Бундай қулай шароитлар яратилганлиги учун ота-оналар ҳам қувонмоқдалар.

— Биз фарзандларимиз оромгоҳда кўнгилли дам олаётганларини кўриб қувондик, - дейишди ота-оналар номидан Нурилла Жўраев ҳамда Нурмаҳмат Бозоровлар. - Бу ернинг табиати ўзи бир даво.

— Мен мазкур оромгоҳда икки мавсумдан буён ёзги таътилимни ўтказиб, дам олаётман. Болалар билан ишлашни жуда ёқтираман, - дейди Қамши туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Барно Элмуродова.

Ҳа, Турнабулоқ дарёси соҳилида жойлашган мафтункор ушбу масканда бугун чинакам ҳаёт қайнамоқда.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Бахт саломатлик самарасидир, шундай экан, ҳар бир одам тан сихатини асрамоғи лозим.

Леонардо да Винчи.

Соғлом одам табиатининг энг бебаҳо асаридир.

Томас КАРЛЕЙЛ.

Спорт оламида

КАСПАРОВ ҲАМОН БИРИНЧИ

Лозаннадаги Халқаро шахмат федерацияси қароргоҳида янги рейтинг эълон қилинди. Унда жаҳоннинг энг кучли гроссмейстери, россиялик Гарри Каспаров етакчилик қилмоқда.

Рўйхатда иккинчи погонани ҳам россиялик шахматчи эгаллаган. Владимир Крамник ҳамюртидан бир неча очко ортада бормоқда. Улардан кейинги ўринни ҳиндистонлик Вишванатан Ананд эгаллаган.

ИРИСМЕТОВ — «СОКОЛ»ДА

Йил бошида катта шовшув билан Москванинг «Спартак» жамоаси таркибига қабул қилинган Жаъфар Ирисметов Россия чемпионати олий лигаси дебютанти Саратовнинг «Сокол» жамоасига ижарага берилди. Негадир москваликларнинг расмий учрашуларида омади юришмаган футболчимиз кейинги вақтда жамоа захира ўринидигига муқимлашиб қолди. Айтганча, Ж.Ирисметовнинг ўзи ҳам Россия

матбуотида берган интервьюларида «Сокол»га ўтаётганлигининг асосий сабаби сифатида захира ўринидигини кўрсатган. Начора, балки миллий терма жамоамизнинг моҳир ҳужумчисига Саратов «об-ҳавоси» ёқиб тушар.

ХОККЕЙЧИГА 22 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Машҳур хоккейчи Александр Могильний Шимолий Америка миллий хоккей лигасида (МХЛ) ўзининг ўн учинчи мавсумини янги жамоа таркибиде ўтказадиган бўлди. Торонтонинг «Мейпл ливз» жамоаси А.Могильний билан тўрт йиллик шартнома тузиб, хоккейчи учун 22 миллион АҚШ доллар тўлашга розилик билдирди.

Шимолий Америка миллий хоккей лигасида «Мейпл ливз»га қадар учта жамоада ўйнаган А.Могильний уммон ортидаги ўн икки йиллик фаолияти давомида МХЛ ва «Стэнли» кубоги баҳсларида 780 марта ўйнаган тушган, рақиблар дарвозасига уч юз тўқсон олти ташлаб киритган.

Футбол

Чилла — номи билан чилла. Айтишларича, айнан чилла офтобини кўргачинда наботот олами ўзида мавжуд энг тотли дармондориларини сиртига чиқарар, уни тановул этганликларнинг хайри барокоти ижобат бўлиши учун дуолар қилар экан. Не ажаби, бизнинг футболчимиз ҳам худди шу палла асноси хайрат тўла тасаннолардан баҳра топмоқда. Наники бир йўла иккита нуфузли турнирда ватандошларимиз мухлисларига ўзига хос тухфа хозирлашга мушарраф бўлдилар.

МУХЛИСЛАР КЎЧАСИДА БАЙРАМ НАФАСИ

Албатта, эзқко шина-вандалар гап нима ҳақида бораётганини дарҳол пайқадилар. Ҳа, дастлаб шунчаки навбатдаги ўқув машғулотини вазифасини ўташи кўзда тутилган сафар ҳеч қутилмаганда терма жамоамиз учун жиддий имтиҳон тусини олди ва айтиш лозимки, икки чемпионатимизда тўп сураётган футболчилардан ташкил топган команда бирин-бирин зафар қучиб, Малайзия қироллиги кубоги — «Мердека» турнирининг факуллода кашфетиға айланди. Ҳа, уруҳида Малайзия олимпия терма жамоаси, Таиланд ва Ҳиндистон устидан ишончли галабани қўлга киритган футболчиларимизнинг ярим финалда турнирга асосий таркиби билан ташриф буюрган Бахрайн терма жамоаси кутиб турар эди.



Очигига кўчиш керак, жуда кўпчилик мухлислар арабларнинг устунлиги ҳақида фикрлар билдириб, айни вақтда ушбу учрашув голиби барибир финалда мағлуб бўлажанидан башорат қилишгача бориб етдиларки, бу ҳам аслида асоссиз эмасди. Чунки финалда Европа қитъаси вакили Босния ҳеч қимга «нон бериб қўймаслиги» ўз ўзидан аён эди. Ҳар қалай Югославия футбол мактаби талабалари билан тенгма-тенг кураш олиб бориш Осие қитъаси жамоаси учун анчайин оғир кечишни ким ҳам инкор этсин!

Лекин амалда бунинг акиси бўлиб чиқди. Йилнинг иккинчи бўлиб қилинган ҳаракатлар натижаси ва шу кунни жуда яхши ўйин намойиш этган Баҳрайдир Саидқамолловнинг икки голи туфайли финалга йўлланма олган ўзбекистонлик футболчилар оғзидеги ошини олдириб қўядиган анойилардан эмасликларини исботлаб, гарчанд қий-

инчилик билан бўлса-да, «Мердека» кубоги соҳиби бўлдилар. Кези келганда бир нарсани қайд этишни истардик: майдонда ўзларига нисбатан ҳар жиҳатдан устунлик қилаётган футболчиларимизни рақиблар қўполлик ишлатиб «синдирмоқчи» ҳам бўлдилар. Бироқ йигитларимиз матонат кўрсатиб, бежизга Жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланмалардан бирига даъвогар бўлиб турмаганликларини намойиш эта олдилар.

Яна бир қувончи воқеа эса Болгария майдонларида ўз берди. Бу ерда ўтказилган турнирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси биринчи учрашувдаёқ майдон эгалари устидан йирик (4:1) ҳисобда галаба қозониб, бу баҳсга шунчаки қирришмаганликларини исботлай билдилар. Ваҳоланки, сал аввал болгарияликлар Италия ва Швеция ёшларини мағлуб этиб, анчайин шов-шувга сабаб бўлган эдилар. Жамоамиз қолган матчларда ҳам сермахсул, муҳими мантқиқли ўйин намойиш этиб, мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлдилар. Бунинг шундан ҳам билиш мумкинки, турнирдан сўнг Европанинг муайян худудларида ёшлар билан музокаралар олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган футбол агентликларини кўплаб йўлланмаларимизга харидор қилди. Ахир биз яқин-яқингача бунинг орзу қила олгани эдики!

Ҳа, футболчимиз кун сайин буй чўзиб, ўзгалар на-

зарига ҳам тушулик даражада тез суръатлар билан вояга етмоқда. Яқинда эшитдик: яна бир чарм тўп устаси Илёс Зейтуллаевга қармоқ ташлашибди. Яна қардан денг - Италиядан, Туриннинг машҳур «Овентус» клубидан. Албатта, бундай ма-

салалар осонликча ҳал бўлмайди, ҳар хил синов шартномалар дегандек... Лекин барибир қувонишга арзигулик воқеалар футболчимиз теварағида баҳор эпкини каби эса бошлагани хайрлидир. Буни фақат кутлаш, қўллаб-қувватлаш керак.

Аслида бу ҳам жаҳон футболда юз бераётган ўзгаришлар силсиласининг бир кўриниши десак муболага эмас. Эндиликда бир ҳолатни яққол тафаккур этиш мумкин: футболда Европа ва Жанубий Америка гегемонлиги тугаб аста-секинлик билан бўлса-да, Африка ва Осиё қитъаларига муайян ваколатларини беришга мажбур бўлмоқда. Тарихда илк бор, яна денг янги минг йилликнинг биринчи чемпионати Осиё қитъасида — Япония ва Жанубий Корейда ўтказилишга қарор қилингани ҳам ана шу эътироф исботидир.

Бугун Жаҳон чемпионатида иштирок этадиган 32 та команданинг бештаси маълум. Булар — Жаҳон чемпионлари Франция ҳамда майдон эгалари, шунингдек, Африка қитъаси вакиллари — Камерун ва Жанубий Африка Республикаси жамоалари. Демак, яна 27 та бўш ўрин бор. Ният қиламизки, улардан бири албатта бизники бўлади!

Кўз тегмасин, кейинги пайтларда турли миқёсда эришилаётган муваффақиятлар, умуман футболчимизга бўлган муносабатдаги ижобий ўзгариш самараси ўлароқ эришилган энг катта галаба — кўтаринки кайфият ва ўз кучига ишонч шундай оптимистик руҳда мушоҳада юритишга ва умид қилишга туртки бермоқда. Биз ҳозирда ноқ байрам нафасини ҳис қилмоқдамиз ва эзгу орзуларимиз тезроқ рўёбга чиқишини жуда-жуда истаймиз.

З.РИХСИЕВ.

Ўй бекалари, сизлар учун

АСАЛЛИ ТОРТ

Масаллик учун 4 ошқошиқ асал, 200 гр. маргарин, 1 стакан шакар, 3 дона тухум, 1 чой қошиқ истеъмол содаси, 3,5 стакан ун тайёрлайсиз.

Крем учун эса 1 стакан суг, 1 стакан шакар, 1 қошиқ ун, 1 дона тухум, 50 гр. сарёғ керак бўлади.

Газда ўрта оловда асални қизитиш ранга киргунча эритилади ва маргарин қўзилади. Улар эриб, бир хил

масса ҳосил қилгач, аввалроқ тайёрлаб қўйилган тухум, шакар ва истеъмол содасининг аралашмасидан ҳосил бўлган суяқликка қайноқ ҳолда қўзилади. Бу масанни яхшилаб аралаштириб, ун қўзилади ва совутгичда 20 дақиқа сақланади.

Сўнгра юмшоқ хамирнинг тўртга бўлиб, газ патнисларига думалоқ шаклда, 1 см қалинликда пишириб олинади. (Агар хамир ёпишқоқ

бўлса, қўлингизга сарёғ суртиб олинг). Тайёр бўлган кулчаларни крем билан ёпиштириб, четлари текисланади. Четидан чиққан «қийқим»ларни майдалаб, тортнинг юзи ва четларига сепиб чиқилади.

Крем тайёрлаш усули: 1 дона тухум, шакар, ун яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра 1 стакан қайнаган суг олинади. Аралашмани газда паст оловда қизиб ҳолига келгунча қавлаб турилади. Сўнгра оловдан олиб, совутгач, 50 грамм сарёғ қўшиб, яхшилаб аралаштирилади.

НАМОЗШОМГУЛ

Давоми. Боши ўтган сонда.

Э-э... Келиним, қудамиз билан... — Яна нима озор ўтибди? — Мен қўлмак эмишман, - унинг овози титраб кетди, - оиланинг муҳитини бузаётган эмишман.

Нуриддин ҳамдардик билдириш ўрнига, уни уриша кетди. — Ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз. Кваттира олиб, алоҳида яшанг, дедим. Уйингиз бўлак бўлиб, ҳафтада бир келсангиз, озгингиздагини қўлларига тутмасангиз ҳам, соянгизга кўрпа солишади, дедим.

— Бошим очик, шусиз ҳам изимда юрган гап-сўзлар етарли. Алоҳида яшаб, очикдан-очик масҳара бўлишим қолувди энди...

— Зулҳумор, тушунинг ахир, ёлғиз яшаш қийин, биламан. Аммо, ҳозир ҳам фароғатда юргангиз йўқ-ку! Ўша ҳовлида онангиз бор, сибиг турбисиз. Кейин чиқиб кетишга мажбур бўласиз. Тушунинг, ёлғизлик айб эмас, қисмат. Сиз ахир, одамлар учун яшамасиз-ку.

— Кўйинг, ўша эски пластинкангизни! — «Шарақ» эткизиб, телефон дастагини жойига ташлади. Хўшлашмади ҳам.

«Алоҳида яша, эмиш. Фамхўр!.. Уй олсам, бу киши кўнгли тусанган пайт, етти пуштимни ерга солиб, келиб-кетсалар. Фамхўр бўлсанг, яхши кўрсанг, кеч ўша мансабингдан. Мен розиман-ку, ойига бир келсанг ҳам, йилгига бир келсанг ҳам, элга айтиб, никоҳингга ол. Сувингни суг қилай, кулингни ўт қилай... Э-э... кўрқоқ!»

Телефон қайта жирингламади. Дардига малҳам бўлиб юпата олмаслигига кўзи етдики, ё отилажак таъна тошлардан чўчиди — бошқа безовта қилмади.

Тушлик пайти ўзига аталган лўқманни чала-чулла ютиб, хонасига югурди. Ҳамхонасининг столида турган телефон аппаратини олиб, олдига қўйди. Ёқимсиз даранглаб ҳаммаша асабига тегадиган соатга термулиб,

дақиқа санай бошлади, бир ярим... Йигирмата кам икки... ўнта кам... Тинимсиз олдинга интилаётган соат миллири бўзига қадалаётгандай бўғила бошлади. Телефон дастагини қўлга олиб кўрди, ишляпти. Соатига қаради: бешта кам. Қўллари қалтираб рақам тора бошлади. Яна гурури йўл қўймади, охири ра-

бунинг хаёлу ҳаётининг бағишлаганин бир тийин. Унинг сендан бошқа ҳам ташвишлари кўп. Хотини, болалари, сўнг иши, келин ёру-журалари, қариндош-уруғлари... Ҳаммасидан сўнг сен... Ойда бир учрашганда, лавуллаб «севаман» деганлари шунчаки ўткинчи эҳтирослар... Умуман, ҳамма-ҳаммаси ўткинчи экан... Ўткинчи эканлигини иккала-си ҳам энди англашди. Лекин, у ҳеч қачон «Бўлди» дея олмайди. Виждони йўл қўймади. Демаганда нима? Зулҳуморнинг унга қандай оғирлиги тушяпти. Кимдир оила қуриш илинжида «юради», кимдир мансаб илинжида, кимдир мол-дунё илинжида... Зулҳуморнинг ягона илинжи меҳр... Ўшанда кўра-била туриб, бор дунёсини шу илинжга бахшида қилган эди. Чиммат тутиб, «ёр-ёр» тингламан бўлса-да, ундан бахтли одам йўқ эди. Кейин... Секин унинг саховатига дарз кетди... «Нега бунча кўрқасиз, ўша хотинингиздан? Нима у одам-у, мен одам эмасманми?». Нуриддиннинг ишлари кўпая бошлади. Тўғрироғи, тўйди. Бездимикин, ё? Энди нукта қўйиш керак, ҳаммасига! Тўрт йилдан бери бир бечоранинг кўксига ханжардек санчилиб яшагани етар! Нукта, охири нукта...»

Нукта, нукта... Асфальт орасидан кўриниб қолган сон-саноксиз тошлар ҳам унинг ёдига ўша нуктани соларди.

Бугун унинг олдида бориб, айтмоқчи эди... Телефон дастагидан эшитилаётган совуқ оҳангдан ҳалёй жойига келди.

— Қалай? — Яхши. — Нима гап? — Тинчлик. — Эртага келасизми? — Ҳа. — Бўпти, эртага гаплашамиз. У бурчини бажарди. Буниси

итоаткорлик билан дастакни босди. Бориб айтса, эҳтимол бироз саросимага тушиб қолар. Аммо нима дейди? «Туғавёр» деса, баало қолади: «Биламан, сизга ҳеч қандай оғирлиги йўқ. Никоҳинг бешта етти пуштимни ерга солади». «Олдир» деса, яна хафачилик: «Сизга бола нима керак? Ўлсангиз кўмадиганларингиз бор... Мен шўрлик...».

«У шўрлик» — хато кетган ўқ — кета-кетгунча тақдирини ланатлаб борарди: «Ҳаммасига ўзим-ўзим айбдорман. Қўшининг ўчоғида қўл иситмоқчи бўлдим. У бекор айтибди, ёлғизлик қисмат эмас, айб. Шу пайтгача унча-мунча кишини назаримга илмамид. Одам танладим. Ахир, яхши қўриш шартми? Лекин, ҳозир Нуриддин кел, никоҳимга олай деса, севинчдан ёрилиб ўласан. Қизиқ одамсан, бир нарсадан кечмасдан, нахотки иккинчисига эришиб бўлмаслигига ақлинг етмайди».

Тамом. Нукта. Кимсасиз йўлакда судралиб бораётган гавдасини ҳам нуктага ўхшатди. Нукта. Давомсиз, давомий йўқ.

Энг катта нукта туғруқхонада қўйилди.

— Ҳўш, нима гап. — Ўзимам билмайман, қандайдир вақти ўтиб кетаяпти. Қўнглим беҳузур бўлаётир... — Нечта болангиз бор? — Мен турмушга чиқмаганман. Доктор аёл столига одатдагидан зиёдроқ пул қўйилганининг сабабини тушунгандай бўлди. — Майли-куя, лекин кейин бола кўрмаслигингиз мумкин. — Жон опа, бошқа иложим йўқ, ака-укаларимни ерга сола олмайман. — Ихтиёрингиз. Ярим соатдан кейин уни палатага ўтказишди. Тўрдаги корватда ётган аёл инқилаб-синқиллаб келиб, унга бир пиёла чой узатди. У аёлнинг дўпнайиб турган қорнига қараб ютди. Тогоғини куйдириб ўтган хўрсиник, негадир ичга эмас, юқорига, кўзлари томон йўналди.

Жамила ЭРҒАШЕВА.

ISHONCH

Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**

МУАССИС: Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир), ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нарх кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотуvida эркин нархда.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г— 2624. 1 2 3 4 5 6